

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2013 йил 27 июлдаги  
14/21 - сонли қарорига  
\_\_\_\_\_ илова

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Матбуот хизмати тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизматининг вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Матбуот хизмати (кейинги ўринларда Матбуот хизмати деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Матбуот хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарори ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

3. Матбуот хизмати ўз фаолиятини Марказий банк Раиси раҳбарлигига амалга оширади. Матбуот хизмати Марказий банк Раисига бўйсунади.

4. Матбуот хизмати ўз фаолиятини Марказий банкнинг департамент ва мустақил бошқармалари, худудий Бош бошқармалари, республика тижорат банклари, тасаруфдаги корхона ва ташкилотлар ҳамда республиканинг бошқа вазирлик ва идораларининг тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

### II. Матбуот хизматининг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Матбуот хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-

иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида хабардор қилиш;

Марказий банк томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва банк фаолиятига тааллуқли бўлган меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Республика банк тизими фаолиятининг долзарб жиҳатларини ёритиш;

интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

Марказий банк республика аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган Ҳукумат Порталига жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотларни белгиланган тартибда тайёрлаш, умумлаштириш ва уларни белгиланган муддатларда Ҳукумат Порталига жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлимларига тақдим этиш;

Марказий банкка нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида раҳбариятни хабардор қилиш;

жамоатчиликни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим ахборотлар билан ўз вақтида хабардор қилиш, расмий нуқтаи назарларни тушунтириш орқали жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш.

6. Матбуот хизмати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуийдаги функцияларни амалга оширади:

зарурый ахборотларни Марказий банкнинг департамент ва мустақил бошқармалари ҳамда тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш;

оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

Марказий банк фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттишларни ташкил этишни мувофиқлаштириш;

Марказий банк раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференциялари, брифинглари, сұхбатлари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш;

Марказий банк фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни олиб бориш;

Марказий банк раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун Марказий банк фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

Марказий банк фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Интернет тармоғида Марказий банк веб-сайтининг самарали фаолият юритишини ва ундаги маълумотларнинг доимо янгиланиб борилишини таъминлаш;

Хукумат Порталига республика банк тизими фаолиятида амалга оширилаётган долзарб мавзуулар юзасидан маълумотлар бериб бориш;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгилangan тартибда амалга ошириш;

7. Матбуот хизмати ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Марказий банк фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш бўйича буюртномалари ва сўровларини кўриб чиқади.

### **III. Матбуот хизматининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Матбуот хизмати ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклangan вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни Марказий банкнинг департаментлари ва мустақил бошқармаларидан, ҳудудий Бош бошқармалари, тасарруфидаги корхона ва ташкилотлардан ҳамда республика тиҷорат банкларидан белгилangan тартибда олиш ва сўраш;

Марказий банкнинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

кўйилган вазифаларни бажариш учун Марказий банк Раиси билан келишган ҳолда Марказий банкнинг тегишли департаментлари ва мустақил бошқармалари ходимларини, шунингдек вазирлик ва идораларнинг мутахассис ҳамда эксперtlарини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш;

бошқа вазирликлар ва идораларнинг ахборот хизматлари билан белгилangan тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Марказий банк раҳбариятининг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Матбуот хизмати ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Марказий банк номидан ушбу Низом асосида қатнашиш;

ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни тайёрлаш, жумладан Марказий банк таъсис этган матбуот нашрларини мазмун-мундарижаси билан яқиндан танишиб бориш, уларга тегишли йўл-йўриқ ва қўрсатмалар бериш, уларнинг обунаси ва нашр этилиши билан боғлиқ ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш;

тижорат банклари томонидан тайёрланаётган реклама-ахборот материалларини назорат қилиб бориш;

Марказий банкнинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш;

#### 9. Матбуот хизмати:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Марказий банк меъёрий ҳужжатларида Ахборот хизматига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши юзасидан жавобгардир.

### **IV. Матбуот хизматининг ташкилий тузилмаси**

10. Матбуот хизмати ташкилий тузилмаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

11. Матбуот хизмати ходимларининг вазифалари ҳамда малака ва билим даражасига бўлган талаблар Матбуот хизмати ходимларининг белгиланган тартибда тасдиқланадиган лавозим вазифаларида белгиланади.

### **V. Матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш**

12. Матбуот хизматининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарорига, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига, ушбу Низомга, Марказий банк Раиси буйруқлари ва фармойишлари, Марказий банк Бошқарувининг иш режалари, Матбуот хизматининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Матбуот хизматини Марказий банк Раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раҳбар бошқаради. Матбуот хизмати раҳбари айни бир вақтда Марказий банк Раисининг Матбуот котиби бўлиб ҳисобланади.

14. Матбуот хизмати раҳбари:

Матбуот хизматига бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда мазкур Низомга мувофиқ Матбуот хизматига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавоб беради;

Матбуот хизмати фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қиласи, Марказий банкнинг департамент ва мустақил бошқармалари, худудий Бош бошқармалари, республика тижорат банклари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Матбуот хизмати ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни Марказий банк Раисига тақдим этади.

## **VI. Матбуот хизматини қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

15. Матбуот хизматини қайта ташкил этиш ёки унинг фаолиятини тугатиш Марказий банк Бошқаруви қарори билан амалга оширилади.